



**GAYBULLA SALOMOV AND UZBEK SCHOOL OF
TRANSLATION**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОРИЖИЙ ТИЛ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ



**GAYBULLA SALOMOV AND UZBEK SCHOOL OF
TRANSLATION**

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ



GAYBULLA SALOMOV AND UZBEK SCHOOL OF
TRANSLATION

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

(13 декабрь 2022 йил)

I

ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМА МАКТАБИ

Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ЎзМУ, 2022, 676 б.

Ушбу даврий илмий тўпلامдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети Хорижий тил ва адабиёти кафедраси томонидан 2022 йил 13 декабрда «Гайбулла Саломов ва ўзбек таржима мактаби» мавзусида ўтказилган халқаро хамкор университетлар, республика олийгоҳлари профессор - ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар ва тадқиқотчилар таркибининг таржимашуносликнинг долзарб муаммолари ҳамда назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган илмий мақолалар жой олган.

В настоящем периодическом сборнике включены научные статьи научных сотрудников зарубежных вузов-партнеров, профессоров – преподавателей, старших научных сотрудников и соискателей Вузов, участников научно-практической конференции «Gaybulla Salomov и узбекская школа переводов» проведенной кафедрой Иностранного языка и литературы, факультета Зарубежной филологии Национального университета Узбекистан имени Мирзо Улугбека.

The present periodic scientific collection includes the articles presented by researchers of international partner universities, the teaching staff and postgraduates who participated at the scientific conference «Gaybulla Salomov and the Uzbek school of translation» on December 13, 2022 organized by the Department of foreign language and literature, Foreign Philology Faculty of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.

Маъсул муҳаррир: ф.ф.н. доц. И.К.Ўсаров

Тахририят аъзолари: ф.ф.ф.д. PhD. Н.Э.Юлдашева
Катта ўқитувчи Д.А.Собирова
ф.ф.ф.д. PhD. М.О.Муминова

Мақолалар матни муаллифлар берган вариантда босилмоқда ва уларнинг савияси учун муаллифлар маъсулдирлар.

Вестник Казанского государственного университета культуры и искусств. 2014. № 4-2. С. 111- 113.

4. Комиссаров В. Н. Слово о переводе. М.: Междунар. отношения, 1973. 245 с
5. Караматова К.М., Караматов Ҳ.С. Proverbs–Maqollar– Poslovisy. – Т.: Меҳнат, –2000. –398 б.
6. Закиров Р. Р., Особенности перевода арабских паремий на русский язык// Филология и культура. 2013. № 1. С. 49 – 52.

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВФЕМИК ВА ДИСФЕМИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7481461>

Жўраева Нилуфар Шухрат кизи

Бухоро давлат университети

Француз филологияси кафедраси ўқитувчиси

Кириш. Дарҳақиқат, бирор тилнинг ривожланишида шу миллатнинг маданияти, урф-одатлари, диний қарашлари таъсир кўрсатади. Айни дамда бу соҳаларнинг тараққий этишида тилнинг аҳамияти катта. Ҳар бир миллат ўзида маълум бир миллий анъаналарни акс этади. Яъни ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз миллий анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Бу маънода ҳар бир инсон ана шу миллийликни ўзида акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиётга алоқадор бўлади.

Биз мазкур мақоламизда лингвокультурология фанининг объекти, шу билан бир қаторда миллий тил ҳодисаси ҳисобланган лингвокультуремалар сифатида эвфемизм ва дисфемизмлар, хусусан, ўзбек ва француз тилларидаги эвфемик ва дисфемик ифодалар ҳақида фикр юритамиз.

Асосий қисм. Эвфемизм ва дисфемизм бир-бирига зид тушунчалар бўлиб, эвфемизм “табу” – “айтилиши таъқиқланган”, “ман этилган”, “нохуш”

деб ҳисобланган сўзларни яшириб, юмшатиб айтишга хизмат қилса, дисфемизм, аксинча, кўпол, дағал, ёқимсиз, беўхшов сўз ва ибораларни қўллаш орқали табу сифатида белгиланган сўзларни кучайтиради.

Дарҳақиқат эвфемик ва дисфемик ҳодисалар ўзида тил ва маданият муштараклигини акс этувчи восита ҳисобланади. Яъни, мазкур лисоний ҳодисалар миллий менталитетнинг алоҳида қирраларини намоён этувчи, ҳар бир халқнинг тарихи, маданиятини ўзида мужассам этувчи кўзгу ҳамдир. Одамнинг нутқий фаолияти ахлоқий нормаларга риоя қилади. Шубҳасиз, мулоқот маданияти даражасини, нутқий маданият савиясини кўрсатувчи муҳим воситалардан бири эвфемистик ифодалардир. Эвфемизмлар ҳақида фикр юритар эканмиз, эвфемизмнинг лингвокультурологик феномен эканлигини таъкидлашимиз керак: эвфемизмларни таҳлил қилганимизда, айниқса, француз ва ўзбек тилшунослигида эвфемизмларнинг ўрни, уларнинг моҳиятини кўриб чиққанимизда, бу икки тилда эвфемизмлар маданият жиҳатдан тубдан фарқ қилишини гувоҳи бўлдик [1]. Бу айниқса, миллий менталитет, маданий ўзига хослик билан чамбарчас боғлиқ. Аслини олганда, ўзбек тилидаги эвфемизмларнинг илдизи диний қарашлар билан чамбарчас боғлиқ. Ислом дини таълимотига кўра, ёмон сўзларни ишлатиб, тил билан бўлса-да бировнинг кўнглига озор бериш гуноҳ саналади. Ҳар бир мусулмон ўзгаларни ҳурмат қилиши, уларга юмшоқ, чиройли ва ёқимли сўзлар билан муносабат қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, ёки сўзловчи ва тингловчи ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликлардан қочиш мақсадида кўпгина негатив ёки ахлоқсиз маъно касб этувчи сўзлар бошқаси билан алмаштирилган. Баъзи ўзбек оилаларида эркак хотинига катта қизининг исми билан, хотин эса эрига катта ўғлининг исми билан юзланади. Хотинга нисбатан *онаси, ойиси, аяси, эрга нисбатан отаси, дадаси, адаси* каби муносабат шакллари қўллаш мумкин: *Тўғри, дадаси, мен айтаман. Ҳой онаси, суюнчини чўз*. Мазкур хитоб шакллари ибтидоий даврлардан қолган табу қолдиғи бўлиб [2], у оилада эр-хотиндан кўра кўпроқ

болаларнинг ота-она жуфтлигини, шериклигини, яъни болаларнинг қадрини, аҳамиятини намоён қилади. Бу, айниқса, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин, қариялар ва ёшлар ўртасида яққол кўзга ташланади. Оилавий муносабатларда оиланинг эркак аъзоларига аёллар томонидан юксак ҳурмат кўрсатилиб, турли чиройли сўзлар билан мурожаат қилинади. Ўзбек хонадонларида аёллар ўз турмуш ўртоқларини бошқаларнинг олдида исми билан атаб чақиришлари эриш, ҳатто, уят деб қаралгани боис, “*дадажониси*” (*père de mes enfants*), “*турмуш ўртоғим*” (*compagnon de ma vie*), “*жуфти ҳалолим*” (*mon couple*) каби эвфемизмлар пайдо бўлган. Шу билан бирга, ўзбек маданиятига кўра эркаклар ҳам ўз аёлларини “*ойижониси*” (*mère de mes enfants*), “*рафиқам*” (*mon épouse*) “*аёлим*” (*ma femme*) каби сўзлар билан атайдилар. Бу каби маъноларда ифодалаш ўринларида француз эркаклари “*ma belle*”, “*ma chérie*”, “*mon coeur*” сўзларидан фойдаланишади.

Ўзбек хонадонларида келин ҳомиладор бўлганлиги ҳақидаги хабарни ҳам тўғридан-тўғри айтиш уят ҳисобланганлиги учун “*ҳомиладор*” сўзи ўрнига “*бош қоронғу*”, “*оғир оёқ*”, “*икки қат*”, “*икки жон*” кабилар қўлланилади. Француз тилида ҳам мазкур ҳолатни ифодалаш учун ишлатиладиган эвфемизмлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: “*être dans un état intéressant*”, “*être dans une situation intéressante*”, “*attendre un bébé*”, “*qui attend un heureux événement*” [3].

Ўзбек тилида эвфемик бирликлар билан зидланиш асосида парадигма ҳосил қилувчи дисфемизмлар эса махсус монографик тадқиқ объекти бўлмаган. Кузителишларимиз давомида Х.Қодированинг Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳоратига бағишланган диссертациясида ўзбек тили дисфемизмларининг хусусиятлари ёритилган [4].

Француз тилшунослигида ҳам мазкур тушунча алоҳида тадқиқ объекти бўлмаган. Тилшунос олима А.Н.Резанова дисфемизмларнинг чуқур ўрганилмаганлик сабабини “ахлоқий нормаларга зид тушунча” эканлигида

деб изоҳлайди. “Дисфемизм” тушунчасининг француз тилшунослигида ўрганилишини тадқиқ қилганимизда олимлар томонидан бу тушунчани “дабдали сўзлар”, “*жарангдор сўзлар*”, “*кўпол сўзлар*”, “*қўрс сўзлар*”, “*ҳақорат ва таҳқирлар*”, “*тил тажовуслари*” каби вариантларда ўрганилганлигининг гувоҳи бўлдик. В.Н.Ярцева муҳаррирлигидаги луғатда дисфемизмга шундай изоҳ берилади: “Дисфемизм – эмоционал ва стилистик жиҳатдан нейтрал сўзни кўпол, илтифотсиз сўзлар билан алмаштириш” [5]. Т.В.Матвеева ўз мақоласида дисфемизм тўғрисида кенгайтирилган таърифни беради: “дисфемизм – эмоционал ҳолатни кўпол равишда билдириш, стилистик жиҳатдан нейтрал сўз/иборани кўпол сўз ёки ибора билан алмаштириш. Мулоқот жараёнида сўзловчи ўз суҳбатдошини камситиш, таҳқирлаш, обрўсизлантиришни мақсад қилади. Бунда нутқ қоидалари бузилади, муносабатларда беадаблик, ҳаёсизлик кузатилади [6].

Бошқа тиллар каби француз тилида ҳам мурожаат вақтида дағдаға, дўк, бировни камситиш, таҳқирлаш, жеркириш маъноларида ундов сифатларидан фойдаланилади. Бунга мисол қилиб қуйидаги сифатларни келтириш мумкин: “*sale*” (*ифлос*), “*petit*” (*кичкина, пакана*), “*grand*” (*найнов*), “*gros*” (*семиз*), “*vieux*” (*қари*), “*pauvre*” (*бечора*), “*sacré*” (*авлиё*), “*foutu*” (*тамом бўлган*), “*sinistre*” (*хунук*), “*triste*” (*тунд*), “*affreux*” (*жирканч*), “*satané*” (*шайтон*), “*fichu*” (*ярамас, бўлмагур*), “*beau*” (*гўзал*), “*franc*” (*пок*) et “*abominable*” (*жирканч, қабих*).

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек ва француз тилларининг ҳар бирида эвфемизм катта аҳамиятга эга. Бу халқларнинг маданийлашиб бораётганлиги ва замонавийлик касб этаётганлигидан дарак. Дисфемизмлар оғзаки нутқда кенг тарқалганлигига қарамасдан адабий нутқда уларнинг қўлланилиши таъқиқланган, бу эса уларнинг ўрганилишига таъсир этмай қолмайди. Шунини таъкидлаш керакки, дисфемия прагматикаси келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий-тарихий ва психологик тарқалишини ўрганмай туриб нутқда салбий сўзларни бартараф этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Shukhratovna J. N. UDC: 81.373. 49 316.754. 6 The main areas (spheres) of euphemisms and taboos in french linguistics //scientific reports of bukhara state university. – с. 134.
2. Kuçkartayev İ. Özbeklerde Hitap Sözlari ve Hitap Kültürü. Uluslararası Dördüncü Türk Kültürü Kongresi Bildirileri. A., 2000. – S. 325.
3. Жўраева Н. Evfemizmlarning lingvomadaniy xususiyatlari //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
4. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 23 б.
5. Языкознание. Большой энциклопедический словарь / гл. ред. В.Н.Ярцева. – 2-е изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – С. 590.
6. Матвеева Т.В. Полный словарь лингвистических терминов / Т. В. Матвеева. – Ростов н/Д.: Феникс, 2010. – 95 с.
7. Жўраева Н. Zamonaviy fransuz tilshunosligida evfemizm va tabu hodisalari to ‘g’risidagi nazariy qarashlar //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
8. Жўраева Н. Evfemizm, yohud yumshoq muomala fransuz ayollari talqinida //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2020. – т. 6. – №. 2.
9. Jo'rayeva N. S. Evfemizmlarning lingvomadaniy xususiyatlari //экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – с. 107-110.
10. Жўраева Н. Types des niveaux du langage dans les pays francophones //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
11. Жўраева Н. Evfemizmlarning gender xususiyatlari xususida //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕК ТАРЖИМА МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА Г.Т. САЛОМОВ ТАЪЛИМОТИ

Homidjonova F.B.	O'zbek tarjima maktabining shakllanishida G.T. Salomov ta'limoti	503
------------------	--	-----

ТАРЖИМАДА ТИЛ ВА ТАФАККУРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ

Abrorova N.S.	Reflection of loneliness in Uzbek phraseological units, proverbs and sayings	508
Ganiyeva Ch.	Isomorphic and allomorphic features of sentence structure English and Korean	512
G'ofurova M., Sherboyev N.A.	Ingliz va o'zbek tilidagi iboralarning tarjimasidagi farqlar va o'xshashliklar	515
Iskandarova D. Sherboyev N. A.	O'zbek hamda ingliz tillaridagi fonetik o'xshashliklar va farqlanishlar hamda ularning tarjimaga ta'siri	519
Kalandarova M.	Nemis tilida sinonimlar va ularning tarjimasi	522
Khusanov E.D.	O'zbek adabiy tilida lahja va sheva tushunchalari tasnifi va o'rganilishi	527
Panayeva Q.S.	The problem in translation of proverbs from English into Uzbek	530
Tojiyeva X. D.	Ingliz va o'zbek kiyim dizayniga oid terminlarning sintaktik xususiyatlari	533
Xalimova N.A.	G'afur G'ulomning "Mening o'g'rigina bolam" hikoyasi tarjimasida milliylikning aks ettirilishi tahlili	537
Yo'ldosheva G., O'sarov I.K.	Takror va uning turlariga doir ayrim mulohazalar	542
Абдулхаева М.	Ўрта Осиёдаги машхур алломаларнинг ўзбек тилшунослигининг синонимия соҳасига қўшган ҳиссаси	547
Бобоева М.Х.	Инглиз тили предлогли сўз бирикмаларининг ўзбек тилига таржимаси	551
Хазратова С.О., Шербоев Н.А.	Ўзбек ва инглиз тили грамматикаси ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларнинг таржимадаги ўрни	558

БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

Atoboyeva A. M.	Badiiy tarjima va tarjima mahoratining lingvistik va madaniy jihatlari	562
Dilmurodova M.	Ingliz tilidan o`zbek tiliga tarjima qilingan she`rlardagi bo`g`inlar berilishi va ular orasidagi farqli jihatlari	567
Hazratkulova E.I.	Psycholinguistics, language acquisition through translation	571
Jumaeva N.K.	Lexical and semantic characteristics of hyponomic relations in English linguistics	576
Mirzayeva H.	Reklama matnlarining lingvistik xususiyatlari	580
Nurullayeva F.T.	Linguocultural features of parent-child relations in Uzbek fiction and the issues of translating them into English	584
Odiljonova S.V.	Ingliz tilidagi parataksemik qo'shma gaplarning o'zbek tiliga tarjimasi muammosi	587
Shoisayeva D.Sh.	Advertising text is a communicative unit with a special structural and semantic features	591
Sodiqova M.Sh.	Ingliz tilidagi gipotoksemik qo'shma gaplarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammosi	595
Sultanova M.U.	Mythological units in English fiction and the issues of translating them into Uzbek	599
To'raqulova D.Ch.	Cho'lon qalamiga mansub "Qor qo'ynida lola" hikoyasining koreys tiliga tarjimasida diniy realiyalarning berilishi	604
Tulyaganova N.F., Yusupova Sh.B.	Differences and similarities of forms of speech in English and Uzbek	608
Xolmo'minov I.A	Qahramonlik dostonlari tarjimarida transformatsiyalar	612
Юнусов Н.Х.	Инглиз ва ўзбек тилларида феъл-атвор ифодаларнинг грамматик имкониятлари	617

***ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ***

Akramova A.S., Sotlikova R.O.	The main factors make effective efl learning materials and their translated versions comfortable for language learners	622
Isokhonova A.Sh.	The differences of American and Great Britain English language pronunciation in translation	624
Miryoqubova M.Sh.	The Effectiveness of Grammar-Translation Method in Teaching and Learning of English Language	627
Ne'matova G. V.	Taomnoma va menyulardagi taom nomlarini tarjima qilish usullari	632
Qodiraliyeva D.K.	The importance of using of ict programs in teaching translation	637
Rahimova D.I.	Influence of innovative methods in teaching a foreign language	642
Rahmonova N.B. Muminova M.	Methods for teaching translation	646
Rustamova A.R.	Modern method of teaching russian language as a foreign language	651
Soipova K.A. Sotlikova R.A.	Tarjima turlari va ularning qo`llanilish metodikasi	657
Xasanova Q. O.	Ingliz tilida moliyaga oid atamalarning kelib chiqishi va tarixi	661

ТАРЖИМА ТАНҚИДИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

G'afforov I.Q.	Opportunities to use the experiences of Great Britain in implementation of science and innovations in Uzbekistan	666
Muminova Z. P Agzamova D.	Oavda "iqtisodiyot" sohasining so'z birikmalarini o'rganishga yondashilish	669